

Эски бедапоядан унумли фойдаланиш

**Эшонқулов Н., Жумаев Н. (ҚарМIIИ),
Эшонқулова Л. (ЎзҚЧЭИ Қашқадарё филиали)**

Донли экинлар Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалигида катта иқтисодий, ишлаб чиқариш аҳамиятга эга. Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондиришда чорвачиликни концентрат ва омукта ем саноатнинг айрим соҳаларини хомашё билан таъминлашда донли экинлар муҳим ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизнинг донга бўлган бир йиллик эҳтиёжи 6,0-6,5млн.тоннани ташкил этади. Келажакда дон етиштиришни кўпайтириш асосан ҳосилдорликни ошириш, жадал ўстириш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Истиқболда мамлакатимизда аҳоли жон бошига ўртача 500 кг. дон ишлаб чиқиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Президентимизни 2008 йил октябрда чиқарган қарорида дон экинларини кўпайтириш учун яна қўшимча 50 минг гектар ерга донли экинларни экиш режалаштирилди. Қашқадарё вилоятига 5 минг гектар қўшимча дон экиш мўлжалланди.

Маълумки ишлаб чиқариш шароитларида учинчи йил бедапояларни баҳорда туп қалинлиги камайиб турли зараркунандалар ва бегона ўтларнинг салбий таъсирида биринчи ва иккинчи ўрим ҳосили кескин камайиб кетади. Шу хил далаларда шу даврларда ердан унумли ва самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бизлар уч йиллик бедапояни дастлабки ҳосилини ошириш учун кузда буғдой экиб ҳам буғдой дони, ҳам бедадан пичан етиштириш имкониятларини тажриба асосида ўрганиб чиқдик.

Тажрибани 2005-2008 ҳосил йилларида ўтказилди.

Бедани туп сони 3 йилга келиб кескин камая бошлайди, даладан олинадиган ҳосил паст бўлади. Бизлар изланишларимизни 2005 йил 15 октябрда 3 чи йил бедани ичига 300 кг супер фосфат ҳисобидан 1 гектарга фосфорли ўғит солиб, 150 кг буғдойни “Тоня” навини эдик. Шундан кейин чизиллаб чиқиб, суғордик. Буғдой жуда яхши кўкариб чиққандан кейин ноябр ойида яна суғордик. Буғдой қишга

киришдан олдин жуда яхши тупланади. Март ойида соф ҳолда 34 кг азотли ўғит билан озиқлантирдик.

Буғдой пишгунча яна 3 марта суғордик. Июнь ойини биринчи ўн кунлигида ғалла ва бедани хашак ўрадиган техникада ўриб, бедаси куригандан кейин ғалла комбайндан ўтказдик.

Бир гектар беда майдонидан ўртача 30,7 центнер буғдой дон ҳосили олинди. Бундан ташқари 25-30 центнер сомон олинди. Бедапоядаги бегона ўтлар йўқолди. Хашоратлардан беда филчаси деярли бедани емади. Бедани ҳам ҳосилдорлиги ошди. Яъни олдинги йилга нисбатан 20-25 фоизга оширади.

Эски бедаларни ичига ғалла экилганда 3 йиллик қилган тажрибамиз шуни кўрсатдики ҳар гектар ердан 30-31 центнердан буғдой ҳосили олинди. Ортикча харажат сарфланмади, яъни шудгор қилинмайди, ер текисланмайди, жўяк, ўқ арик олинмайди. Калийли ўғит берилмайди, азотли ўғитлар жуда оз миқдорда 34 кг берилди, гербицид сепилмайди.

Илмий маълумотларда таъкидланишича 3 йиллик бедапояни 1 гектар майдонда 60-70 тонна гўнг таркибидаги миқдорда азот ва бошқа макро ва микро элементлар тўпланиши кузатилади.

Тупроқни азот ҳамда органик моддалар билан бойитади. Таркибида гумус моддаси кўп бўлган тупроқнинг физик сув хоссалари яхшиланади, иссиқликни ўтказиши пасаяди ҳамда унинг иссиқликни ютиш, ушлаш хусусияти ортади.

Шундай қилиб, бедапояларни учинчи йилида ердан дон маҳсулоти ва беда ҳосили етиштириш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилса ердан унумли фойдаланишнинг муҳим омили бўлади.